

## ТАЛАБАЛАРДА САНЪАТ АСАРИНИ КЎРИБ ТУШУНИШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Абатов Жалғасбай Орынбаевич

Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университети ўқитувчиси

e-mail: [jabatov@gmail.com](mailto:jabatov@gmail.com)

Узакбаев Айназар Орынбай Улы

Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университети 2-курс талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14531738>

**Аннотация:** Мақолада талабаларнинг санъат асарини кўриб тушуниш қобилиятини ривожлантириш учун тарихий, бадиий адабиётларни ва санъат тарихи бўйича маълумотларни кўпроқ ўқиб урганишга жалб этиш, кўпроқ кўргазмаларга, музейларга бориб расмларни томоша қилиб санъат асарини тушунишга ўргатиш усуллари ҳақида фикр юритилади. Мақолада санъат асарини кўриб тушунишда интеграцион ёндашувларни қўллаш масаласи таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** тасвирий санъат, санъат асари, композиция, портрет, символ, бадиий адабиёт, санъат тарихи, образ

## METHODS OF DEVELOPING STUDENTS' ABILITY TO UNDERSTAND WORK OF ART

**Abstract.** In order to develop the ability of students to see and understand the work of art, the article reflects on the ways to involve them in reading more historical and fiction literature and information on the history of art, go to more exhibitions, museums and teach them to understand the work of art. The article analyzes the issue of the use of integrative approaches in viewing and understanding a work of art.

**Keywords:** fine art, work of art, composition, portrait, symbol, fiction, art history, image.

## МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ СПОСОБНОСТИ СТУДЕНТОВ ПОНИМАТЬ ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ПРОИЗВЕДЕНИЕ

**Аннотация.** В целях развития у учащихся способности видеть и понимать художественное произведение продумываются способы привлечения их к чтению большего количества исторической, художественной литературы и сведений по истории искусства, а также научить их понимать суть произведения искусства, посещая больше выставок и музеев. В статье анализируется вопрос использования интегративных подходов в рассмотрении и понимании художественного произведения.

**Ключевые слова:** изобразительное искусство, произведение искусства, композиция, портрет, символ, художественный вымысел, история искусства, образ.

Хозирги вақтда ёшларнинг санъат асарларига қизиқиши сезиларли даражада ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Тасвирий ва амалий санъат соҳаларида миллий меросимизни тиклаш, Камолиддин Бехзоднинг бой ижодий меросини халқимизга тўла етказиш, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган атоқли рассом ва халқ усталари хотирасини абадийлаштириш, ижодий йўналишда олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда мамлакатимизда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳаси самарадорлигини янада ошириш”<sup>1</sup>га доир муҳим қарорни имзолаши тасвирий санъат соҳасининг долзарблигини, унинг инсон руҳияти, маънавияти, тафаккури учун зарур эканини англатади. Тасвирий санъатнинг муҳим хусусиятларидан бири – инсон учун фақат борлиқни, табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисалар ва нарсаларни билдирибгина қолмай, одамларга янги билим, тасаввур ва тушунчалар бериб, маънавий бойитувчи, ижодий юксалишга бошловчи кудратли фактор бўлиб, хизмат қилади.Ёки бир сўз билан айтганда, «Санъат, - В.Г.Белинский таърифича, – образли тафаккурдир»..<sup>2</sup>

Талабаларда санъат асарини кўриб тушуниш қобилиятини ривожлантириш учун тарихий, бадиий адабиётларни ва санъат тарихи бўйича маълумотларни кўпроқ ўқиб урганишга жалб этишимиз керак бўлади.Санъат тарихи бўйича маълумотларни ўқиб расмларни томоша қилганда уларни тушунишга ҳаракат қилиб, санъат асарларининг келиб чиқиш тарихи билан яқиннан танишиб чиқади. Тасвирий санъат асарларини кўриб тушуниш учун кўпроқ кўргазмаларга, музейларга бориб расмларни томоша қилиш, ёшларнинг эркин фикрлаш, юқори интеллектуал ва маданий билимга эга бўлиш хусусиятини ривожлантиради.Тасвирий санъатда композиция асослари фани талабаларнинг санъат асарларини тушунишда муҳим бўлиб, унда композицион қонун қоидалар мавжуд бўлиб: асарнинг композицион маркази, олтин кесишма, компоновка, симметрия-ассиметрия, ҳаракат-ҳаракатсиз, ритм, перспектива, колорит, ранглар хусусияти ва ҳ.к. шу қонун қоидаларни билиш талабаларнинг илмий жихатдан билимини оширади.Дунёнинг таниқли музейларининг симболи ҳисобланадиган энг таниқли асарлари бўлиб масалалан: Франциядаги Лувр музейида европада уйғониш даврининг машҳур рассоми Леонардо до Винчининг Моно Лиза (Жаконда) асари сақланиб келмоқда, ушбу асар Лувр музейининг симболи бўлиб уни томоша қилиш учун дунёнинг кўплаб мамлакатларидан санъатга қизиқувчи томошабинлар келади.Буюк рассом Леонардо до

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4688-сон Қарори

<sup>2</sup>Н.Г.Белинский. Танланганасарлар. 3-том. М. 1948 й. 67-бет



Винчининг Моно Лиза (Жаконда) асарида аёл портрети характери жуда мохирлик билан тасвирланиб ҳар хил кайфиятдаги одамларга психологик тасирини намоён этиши мумкин бўлиб яхши кайфият билан назар ташласак юзларида озгина табассум билан қараб ўтирган аёл қиёфасини кўрамиз, агар тушкун кайфият билан назар ташлаган одам хафа бўлиб тургандек кўриниши мумкин.



Леонардо до Винчининг Моно Лиза (Жаконда)



В.Лысенко "Буқа"

Нукусдаги И. В. Савицкий номидаги музейнинг энг таниқли рангтасвир асари рус рассоми В. Лысенко томонидан яратилган “Буқа” деб номланувчи асари бўлиб у музейнинг симболи бўлиб ҳисобланади. Ушбу асарлар қайси жиҳатлари билан томошабинларни ўзига тортади. Рассом бу асарини 1929-йилида яратган бўлиб асарда иккинчи жаҳон урушининг бошланиши башорат қилган бўлиши мумкин. Музейларда ва кўргазмаларда ҳар хил тасвирий санъат асарларини кўриб, уларнинг ниҳоятда кўп жаанрлар ва йуналишларда тасвирланганлигини тушунамиз. XIX-асрнинг иккинчи яримида тасвирий санъатда жуда кўплаб ҳар хил йуналишлардаги тасвирий санъат асарлари ривожлана бошлади. Реализм йуналишидан бошлаб абстракционизм йуналишигача ҳар хил услубдаги гиперреализм, фотореализм, суперреализм, сюрреализм, модернизм, кубизм, импрессионизм, пуантализм, супрематизм, экспрессионизм, дадаизм, классицизм, клуазонизм, кубофутуризм, конструктивизм, леттризм, лучизм, маньеризм, метареализм, мизерабилизм, минимализм, натурализм, примитивизм, неоклассицизм, неопластицизм, орфизм, поп-арт, постимпрессионизм, постмодернизм, регионализм, романтизм, сентиментализм, символизм, фовизм, футуризм, авангард йуналишлари ўзининг бетакрор композицион кўринишлари билан бўлажак рассомларга илҳом беради. Янги асарларнинг бунёд бўлишига

сабабчи бўлади. Санъат асарлардаги тарихий шахслар, образлар, жумбоқлар, шакллар, нақшлар, рассомлар томонидан тасвирланган композициялар асосида санъат асарини кўриб тушуниш малакаларини, иқтидорини, фантазиясини, тафаккур тарзини ривожлантиришга самарали эришиш мумкин.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4688-сон Қарори
2. Белинский Н.Г. Танланганасарлар. 3-том. М. 1948 й. 67-бет
3. Ж.О.Абатов Интеграцион ёндашув асосида тасвирий санъат дарсларини ўқитиш
1. “MODERN SCIENCE AND RESEARCH” халқора илмий журнал. 2023
2. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8416152>
3. Orinbaevich A. J. An Integrative Approach to Teaching Students to Understand Fine Art Samples //Journal of Pedagogical Inventions and Practices. – 2023. – Т. 24. – С. 49-53.
4. Orinbaevich A. J., Muratbaevich I. A., Alimovich T. M. THE MEANING OF THE COLOR COMPOSITION IN THE VISUAL ARTS //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2022. – Т. 3. – С. 67-69.
5. Абатов, Жалғасбай Орынбаевич. "ТАРИХНИ БИЛИШ ОРКАЛИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ НАМУНАЛАРИНИ ТУШУНИШГА ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ." (2023).
6. Orinbaevich A. J. An Integrative Approach to Teaching Students to Understand Fine Art Samples //Journal of Pedagogical Inventions and Practices. – 2023. – Т. 24. – С. 49-53.